

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019. Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

РАЖАПОВ АЛИШЕР ЖУМАБАЕВИЧ

**«ФИТОФЕРОН» ДОРИВОР ЙИҒМАСИНИНГ
ФАРМАКО-ТОКСИКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.17-фармакология ва клиник фармакология

**БИОЛОГИЯ ФАҒЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 615.856.541.49.546.73

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ражапов Алишер Жумабаевич

«Фитоферон» доривор йиғмасининг фармако-токсикологик хусусиятлари..... 3

Ражапов Алишер Жумабаевич

Фармако-токсикологические свойства лекарственного сбора «Фитоферон»..... 21

Rajapov Alisher Jumabaevich

Pharmaco-toxicological characteristics of medicinal collection «Phytopheron»..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

РАЖАПОВ АЛИШЕР ЖУМАБАЕВИЧ

**«ФИТОФЕРОН» ДОРИВОР ЙИҒМАСИНИНГ
ФАРМАКО-ТОКСИКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.17-фармакология ва клиник фармакология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/B159 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аллаева Мунира Журакуловна
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эргашева Мукаррам Журабаевна
биология фанлари доктори

Турсунходжаева Феруза Муратовна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Ғаг.32.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «14» 07 соат 12.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38 факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишини мумкин (81 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» 06 кун тарқатилди.
(2021 йил «28» 06 даги 21 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризасев
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариена
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.,
профессор

Б.Ш.Шоисломов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган маълумотларга кўра, темир танқислиги анемияси билан касалланган беморлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Темир танқислиги анемияси айникса, хомиладор аёллар ва ёш болалар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, келажак авлоднинг сиҳат-саломатлигига ва мамлакатимизнинг иқтисодий – ижтимоий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун маҳаллий хом-ашёлар асосида олинган анемияга қарши дори воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда темир танқис анемиясини даволаш ва унинг олдини олишда доривор ўсимликлардан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада табиий хомашёлар асосидаги антианемик дори воситаларни фармако-токсикологик хусусиятларини ҳамда уларни гепатотроп ва иммун тизимига таъсирини аниқлаш, қондаги темир миқдорини ошириш механизмини ҳамда безарарлигини белгилаш, ушбу фармакотерапевтик гуруҳ воситаларининг ассортиментини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда олиб борилётган ислоҳотлар натижасида маҳаллий доривор ўсимликлар асосида турли патологияларни олдини олиш ва даволаш учун дори воситаларни яратиш, терапевтик фаоллигини исботлаш, аҳолини безарар ва арзон препаратлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва даволаш профилактика муассасаларини арзон, самарали ҳамда сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, анемия касаллигини даволаш учун ўсимлик манбалардан янги юқори самарадорликка эга, хавфсиз ва арзон дори воситаларни ва биологик фаол қўшимчаларни яратиш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 23 январдаги ПК-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 14 февралдаги ПҚ 3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга оид бошқа мсъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий ўсимликлар асосида анемияга қарши дори воситаларини кимёвий таркибини ўрганиш, стандартлаш, уларни фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш, ишлаб чиқиш, тиббиёт амалиётига жорий этиш борасидаги Х.У.Алиев, Х.М.Комилов, М.С.Бахрамов, Х.К.Фирманкулов, С.Н.Аминов, А.А.Буглашов, А.А.Абдусаматов, А.Х.Анвон, Ф.Ф.Урманова, М.Ж.Аллаева каби ўзбек олимларининг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё микёсида анемияга қарши ўсимликлар асосида дори воситаларини технологиясини ишлаб чиқиш, сифат меъёриларини белгилаш, терапевтик фаоллиги ва безарарлигини ўрганиш, таъсир этиш механизминини белгилаш ва тиббиёт амалиётига қўллаш учун тавсиялар бериш бўйича тадқиқотлар қўйидаги олимлар томонидан олиб борилган: Д.С.Круглов, К.Г.Гуреевич, Л.И.Дворецкий, П.А.Воробьёв, R.O.Narasnga, P.S.Killi, S.F.Clark, H.Murekawa, P.W.Whiting, A.Clouston ва б.

Мазкур диссертация иши илк бор маҳаллий доривор ўсимликлар асосидаги йиғмалар ва улардан олинган курук экстрактниинг организм учун безарарлигини аниқлаш, фармакологик хусусиятларини ва самарадорлигини баҳолаш, янги антианемик дори воситаси сифатида тиббиёт амалиётида қўланиш тавсия этиш юзасидан олиб борилган биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Физиологик фаол моддалар ва биологик фаол қўшимчаларнинг фармако-токсикологиясини ўрганиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Фитоферон» дори воситасининг фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темир танқис анемиянинг турли тажриба моделларида «Фитоферон» дори воситасининг антианемик таъсирини аниқлаш;

«Фитоферон» дори воситасининг самарадорлигини гемолитик анемия кечимида баҳолаш;

«Фитоферон» дори воситасининг антианемик таъсир механизминини аниқлаш;

«Фитоферон» дори воситасининг гепатотроп ва иммун тизимига таъсирини ўрганиш;

«Фитоферон» дори воситасининг безарарлигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тубулғибаргли бўймадарон (*Achillea millefolium* L.), куштарон (*Polygonum aviculare* L.), ширин мия (*Glycyrrhiza glabra* L.), сув калампери (*Polygonum hydropiper* L.) ва доривор мойчечак

(*Matricaria chamomilla* L.) ўсимликлари курук экстрактлари, «Фитоферон» дори воситаси, «Фераск» дори воситаси, тажриба ҳайвонлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини лаборатория ҳайвонларида моделлаштирилган нормал ва турли анемик ҳолатлар (кон зардоби, кон шаклли элементлари, суяк кўмиги, ферритин, эркин темир миқдори ва бошқа) ҳамда тажрибавий жигар, иммун тизимнинг бузилиши каби патологик ҳолатларга «Фитоферон»нинг фармакологик таъсирини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажариш давомида замонавий фармакологик, гематологик, биокимёвий, морфологик, токсикологик, иммунологик ва статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор темир танқис анемиясининг тажриба усулларида «Фитоферон»нинг антианемик фаоллиги таниқли анемияга қарши «Фераск» дори воситасидан кам бўлмаган самарали таъсирга эгаллиги исботланган;

постгеморрагик анемия (ПГА) кечимида «Фитоферон» дори воситасининг антианемик таъсир механизми кон зардобида камайган эркин темир ва ферритин миқдорларининг ошиши, суяк кўмиги қизил кон таначаларининг ишлаб чиқарилишининг кучайиши билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор «Фитоферон» дори воситасининг оксиллар синтезини ошириши, жигарни биосинтетик жараёнини фаоллаштириши, гепатотроп таъсирга эгаллиги ва иммун тизимни кучайтириши исботланган;

янги «Фитоферон» дори воситасининг маҳаллий қитиқлаш, кумулятив, аллергик, эмбриотоксик ва тератоген таъсирларга эга эмаслиги ҳамда юрак кон-томир, марказий ва периферик нерв тизими фаолиятига, ички органларнинг гистоморфологиясига салбий таъсир этмаслиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«Фитоферон» темир танқислиги анемиясининг постгеморрагик турида гемо- ва эритропоз жараёнларини рағбатлантирувчи таъсири бўйича фераск препаратидан кам эмаслиги исботланган;

«Фитоферон» темир танқислиги билан боғлиқ бўлмаган анемиянинг гемолитик турида коамид дори воситаси каби самарали таъсир кўрсатиши аниқланган;

«Фитоферон» йиғмаси асосида яратилган биологик фаол қўшимчаниннг фармакологик самарадорлиги асосланган ҳамда безарарлиги аниқланган;

темир танқислиги анемиясини олдини олиш ва комплекс даволашда «Фитоферон» препаратини тавсия қилиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси лаборатория ҳайвонларининг етарли миқдордалиги, адекват фармакологик, биокимёвий, гематологик, морфологик, иммунологик усуллари қўлланилганлиги, олинган натижаларни статистик таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «Фитоферон» дори воситасининг

постгеморрагик, алиментар, гемолитик анемия шаклларида анемияга қарши самарадорликни ва турли моделлаштирилган тажрибаларда жигар ва иммун тизимини фармакологик мувофиқлаштирувчи таъсирини намоён қилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти анемияга қарши «Фитоферон» йиғмаси асосидаги БФҚнинг амалиётга татбиқ этилганлиги ҳамда «Фитоферон» дори воситасининг клиник олди ҳужжатлар жамланмаси тайёрланганлиги билан изоҳланади, бу эса уни темир танқис анемиясини моно-ва комплекс даволашда тавсия қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Фитоферон» йиғмасининг фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Фитоферон» фиточойи биологик фаол қўшимча учун техник шартлар «Ўзстандарт» агентлигини томонидан тасдиқланган (TS 02026972-001:2019) ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича технологик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан тасдиқланган (ТИ 02026972-001:2019). Натижада, маҳаллий хомашё асосида самарали антианемик таъсирга эга БФҚни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш имконини берган;

«Эритропоз жароғини баҳолаш усули» (19.02.2020 й., №8н-р/57) услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 мартдаги 8н-з/51-сон маълумотномаси). Натижада, анемия касаллигининг даражаларини, кечимини тўғри баҳолашда ёрдам берадиган тажрибавий усулларни коррекциялаш ва ривожландирган касалликларни эрта таъхислаш ҳамда даволаш тизимини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олинган учун асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган нашрларда 8 та илмий мақолалар, жумладан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазибалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда унинг амалий натижалари ўз

ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби адабиётлар шарҳи 2 қисмдан иборат. «**Темир танқис анемия касаллигининг патогенези ва заионавий фармакотерапияси**» деб номланган қисмида анемия турлари, келиб чиқиш сабаблари, ривожлантирувчи омиллар, мазкур касалликни даволашда қўлланиладиган дори воситалари, айниқса, темир етишмаслиги билан боғлиқ анемия турлари ва уларнинг замонавий фармакотерапияси ҳақидаги маълумотлар келтирилган. «**Доривор ўсимликларнинг анемия касаллигини даволашдаги аҳамияти**» қисмида анемияни даволашда ишлатиладиган ўсимликлар ва улардан тайёрланган дори воситаларнинг фармакологик таъсирлари қиссий таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларда қўлланилган материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг умумий тавсифи келтирилган, тадқиқот усуллари тўлиқ баён этилган. Тадқиқотлар ўтказишда оғирлиги 18-24 г бўлган 144 та оқ сичқонлардан, оғирлиги 150-185 г бўлган 340 та оқ қаламушлардан, оғирлиги 2,5-3,8 кг бўлган 30 та қуёнлардан, оғирлиги 315-360 г бўлган 18 та денгиз чўчқаларидан ва оғирлиги 4,5-6,0 кг бўлган 8 та мушуклардан фойдаланилган.

«Фитоферон» дори воситасининг постгеморрагик анемияга таъсири Ўз.Р Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти ва ТТА қошидаги ОТМИТЛ билан ҳамкорликда олиб борилди. Бунда ваъни 146-172 г.ли 18 та лаборатория қаламушларида ва 12 та ваъни 2,5-3,8 кг.ли қуёнларда тақрорий (8-9 мартаба) қон йўқотиш усули (М.М.Миррахимов ва б., 1976) бўйича ўрганилди: Фитопрепарат 30 кун мобайнида оғиз орқали лаборатория қаламушларига 0,75 - 1,5 мл. ваъни ҳисобида 5 мг/кг, 10 мг/кг ҳамда қуёнларга эса 0,5 мг, 1,0 мг/кг ҳисобида оғиз орқали берилди. Назорат гуруҳи ҳайвонларига таникли ангианемик препарат фераск (25 мг/кг) бериб борилди. Периферик қон кўрсаткичларининг таҳлили ВС-3000 (Mindray, P.R.China) гематологик анализаторида ўрганилди. Қон зардобидаги эркин темир миқдори унифицирланган калориметрик усул ёрдамида CYPRESS Diagnostics реактивлари (Бельгия) воситасида ВА-88 А (Mindray, P.R.China) биокимёвий анализаторда аниқланди. Қон зардобидаги махсус ферритин оксиленинг миқдори каттик фазали иммунофермент усули ёрдамида «Алкор Био» компанияси (Россия) «ИФА-ферритин» реактивлари асосида MR-96А (Mindray, P.R.China) русумли микронланшетли ридерда ва қон зардобидаги биокимёвий кўрсаткичлар унифицирланган усул ёрдамида аниқланди.

Фитопрепаратнинг анемияни алиментар кечимига таъсири лаборатория қуёнларида кунига 50 г.дан қарам ва старли даражадаги сув 12-14 кун давомида парҳез ёрдамида чакирилди (Муҳидова Ф.М., 1999). Қон таҳлили тажриба бошлангунча, анемия ҳолатида ҳамда тажрибанинг 10-, 20- ва 30-кунларида ўтказилди.

«Фитоферон»нинг гемолитик камқонликка таъсири каллмушлар тери остига фенилгидразин гидрохлоридни 1 % ли эритмасидан 25 мг/кг дозада 5 кун давомида ҳар куни бир маротабадан юбориш орқали юзага чиқарилди. Анемияли каламушлар 30 кун давомида фитопрепарат (0,5 мг/кг; 10 мг/кг) билан даволанди. Таққослаш учун коамид дори воситаси ва назорат гуруҳи хайвонларига физиологик эритма оғиз орқали бериб борилди. Қон таҳлиллари анемиягача, анемия ҳолатида ва даволашнинг 15- ва 30-кунларида ўтказилди.

Олинган барча маълумотлар Стъудент t-критериясидан фойдаланган ҳолда вариацион статистика усули ёрдамида STATISTICA version 6. StatSoft, inc. (2006) дастурида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг “Экспериментал изланишларнинг натижалари” деб номланган учинчи бобида олиб борилган тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси тақдим этилган.

«Фитоферон» дори воситасини анемиянинг постгеморагик турига таъсири лаборатория каламушларида ва қуёнларида ўрганилди. Каламушлардан такрорий қон чиқарилгандан сўнг қондаги гемоглобин миқдори нормага нисбатан 43% га, эритроцитлар миқдори эса 40% га камайди, ретикулоцитлар миқдори эса 48% га ошди. «Фитоферон» дори воситаси билан даволаш натижасида тажрибанинг 20-кунда 5 мг/кг миқдорда периферик қон кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 29,98 % ва 24,44 % га, 10 мг/кг да эса 35,6 % ва 31,1 % га ошганлиги ҳамда ретикулоцитлар миқдори 47,8 % га камайганлиги қайд этилди. Лейкоцитлар миқдорида деярли ўзгариш аниқланмади.

Навбатдаги тажрибаларда 10 мг/кг да фитопрепарат самарали таъсир этганлиги учун қуёнларда фақат шу миқдорда унинг таъсири ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал


Экспериментал ПГА кечимида 9-кундаги лаборатория қуёнларининг гематологик кўрсаткичлари (n = 3, M±m)

Гуруҳлар	Лейкоцитлар, 10 ⁹ /л WBC	Лимфоцитларнинг абс. миқдори, 10 ⁹ /л	Моноцит, базофил, эозинофиллар аралашмасини абс. миқдори, 10 ⁹ /л	Гемоглобин, г/л	Эритроцитлар, г/л RBC	Гематокрит, % НСТ	Тромбоцитлар абс. сони, 10 ⁹ /л PLT	Тромбоцитлар, % РСТ
I гуруҳ. (соғлом)	8,43±0,11	2,40±0,32	1,66±0,33	136±2,99	5,77±0,13	36,83±0,42	473,33±28,79	0,400±0,02
II гуруҳ. ПГА	7,03±0,06*	3,53±0,06**	1,0±0,07	55±1,83****	1,87±0,06****	20,37±0,30**	197,67±2,08****	0,150±0,01**
III гуруҳ. ПГА	7,43±0,09*	3,33±0,11**	1,40±0,16*	44±1,08****	1,83±0,04****	17,97±0,27**	199±1,10***	0,150±0,01**
IV гуруҳ. ПГА	7,40±0,19*	3,67±0,09**	1,15±0,10	48,10±1,30*	2,03±0,06****	23,07±0,40**	198±1,10***	0,180±0,01***


Изоҳ: * -интакт гуруҳга нисбатан ишонччилик даражаси ва фарқи, P≤0,01
 ** -интакт гуруҳга нисбатан ишонччилик даражаси ва фарқи, P≤0,02
 *** -интакт гуруҳга нисбатан ишонччилик даражаси ва фарқи, P≤0,05
 **** -интакт гуруҳга нисбатан ишонччилик даражаси ва фарқи, P≤0,001

Тажриба қуёнларидан қон чиқаришнинг 9-кунда периферик қондаги гемоглобин миқдори 63,7% (P≤0,001), эритроцитлар миқдори 65,5% (P≤0,001), гематокрит кўрсаткичи 41,4 % га интакт кўрсаткичларга нисбатан камайганлиги ва эритроцитлар морфологиясида анизоцитоз, пойкилоцитоз каби ўзгаришлар аниқланди.


Гемоглобин, г/л



Эритроцитлар, 10⁹/л



Гематокрит кўрсаткичи, %



1-расм. «Фитоферон» дори воситасининг постгеморрагик анемияда қондаги гемоглобин (а), эритроцитлар (б) миқдори ва гематокрит кўрсаткичига (в) таъсири

Шунингдек, қондаги лейкоцитлар, тромбоцитлар сони, тромбоцит кўрсаткичи ҳам ишончлилиқ даражасида қамайди. «Фитоферон» (10 мг/кг) ва таққослаш учун олинган фераск дори воситаси даволашнинг 10-қунидан бошлаб ПГАда гемо- ва эритропозга самарали таъсир кўрсатди, тажрибанинг 30-қунида энг юқори натижа кўрсатиб назорат гуруҳига нисбатан қондаги гемоглобин миқдорини 26,4 ва 30,8% га (1-расм), эритроцитлар сонини 28,7 ва 29,4 % га, гематокрит кўрсаткичини 11,5 ва 15,4 % га, эритроцитдаги гемоглобин миқдорини 24,5 ва 24,7 % га ($P<0,05$) оширди. Эритроцитлардаги морфологик ўзгаришлар тўлиқ тикланди. Назорат гуруҳи қуёнлари натижалари ПГА ҳолатидан фарк қилмади. Натижалар асосида айтиш мумкинки, «Фитоферон» дори воситаси темир етишмовчилиги анемиясининг постгеморрагик турида 10 мг/кг да антианемик препарат фераск каби анемия ҳолатидаги қамайиб кетган қондаги гемоглобин миқдорини ва эритроцитлар сонини ошириб гемопоэз ҳамда эритропоз жараёнларини қучайтиради.

Маълумки, темир етишмовчилиги анемиясининг келиб чиқиш сабабларидан бири истеъмол қилинаётган озиқ-овқатлар таркибида етарли даражада оксиллар, витаминлар, макро- ва микроэлементларнинг, хусусан темир моддасининг етишмовчилигидир. (2-жадвал).

2-жадвал

«Фитоферон» дори воситасининг қаламушларда алиментар анемияга таъсири ($n=6, M\pm m$)

Периферик қон кўрсаткичлари	Интакт (соғлом) кўрсаткичлар	Анемия	Даволашнинг 10- қунида		
			Анемия+ назорат	Анемия+ 5 мг/кг «Фитоферон»	Анемия+ 10 мг/кг «Фитоферон»
Гемоглобин, г %	12,3±0,22	8,0±0,26	9,0±0,31	10,0±0,79***	10,5±0,55***
Эритроцитлар, млн	5,8±0,38	3,5±0,32	3,7±0,41	4,2±0,49***	4,4±0,35***
Лейкоцитлар, минг	10,6±0,32	9,0±0,37	10,1±0,79	9,8±1,05	9,5±1,05
Даволашнинг 20- қунида					
Гемоглобин, г %	12,3±0,22	8,0±0,26	10,5±0,55	11,2±1,02***	11,5±0,70***
Эритроцитлар, млн	5,8±0,38	3,5±0,32	4,2±0,49	4,6±0,24***	4,8±0,59***
Лейкоцитлар, минг	12,3±0,22	8,0±0,26	10,8±0,28*	9,5±0,50*	9,5±1,19*
Даволашнинг 30- қунида					
Гемоглобин, г %	12,3±0,22	8,0±0,26	10,6±0,34*	12,0±0,34***	12,4±0,34***
Эритроцитлар, млн	5,8±0,38	3,5±0,32	4,5±0,38	5,8±0,27***	5,9±0,13***
Лейкоцитлар, минг	12,3±0,22	8,0±0,26	11,0±0,33*	10,5±0,44*	10,4±0,258

Изох: *- назоратга нисбатан ишончлилиқ даражаси ва фарқи, $P<0,05$

** - анемияга нисбатан ишончлилиқ даражаси ва фарқи, $P<0,05$

«Фитоферон» дори воситаси таркибидаги ўсимликлар айнан оксиллар, витаминлар, макро- ва микроэлементларнинг, яъни темир моддаси ва унинг организмда ўзлаштирилишига ёрдам берувчи кобальт, мис, рух ва бошқа микроэлементларга бой бўлганлиги учун навбатдаги тажрибаларда унинг анемиянинг алиментар кечимида таъсири ўрганилди.

Алиментар анемия чақирилганда тажрибадаги қуёнлар периферик қондаги гемоглобиннинг миқдори дастлабки кўрсаткичларга қарағанда 35% га, эритроцитлар сони 39,7 % га қамайди. «Фитоферон» билан даволаш натижасида 5 мг/кг ва 10 мг/кг миқдорларда таъсир тажрибанинг 10-қунида уларнинг қондаги қамайган гемоглобин миқдори анемия ҳолатидаги кўрсаткичга (АХК) нисбатан 25 % ва 30 % га ($P<0,05$) ошди ва даволашнинг 30-қунида интакт кўрсаткичларга тенг бўлди. Лейкоцитлар миқдорида деярли ўзгаришлар қузатилмади.


Демак, «Фитоферон» дори воситаси анемиянинг ПГА туридаги сингари алиментар кечимида ҳам самарали анемияга қарши таъсирга эга бўлиб, гемо- ва эритропозни рағбатлантиради. Фикримизча, унинг таркибидаги темир моддаси эндоген темир захирасининг ошишига олиб келади. Кобальт, рух, мис ва бошқа микроэлементлар эса темирнинг ўзлаштирилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Гемолитик анемияда эритроцитларнинг ёрилиши натижасида қон зардобидида эритроцитлар миқдори ошади ва натижада гемдаги унинг миқдори қамайиб кислородни тўқималарга етказиб бериш жараёни сусаяди. Бу ҳолатни яхшилаш учун қон зардобидидаги темирни гем билан бирикшиши рағбатлантирувчи дори воситаларни тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.


Айнан шу мақсадда «Фитоферон» дори воситасининг фенилгидразинли анемия кечимида таъсири лаборатория қаламушларида ўрганилди.

Фенилгидразин (25 мг/кг) таъсирида юқори даражадаги нейтрофили лейкоцитоз, анизоцитоз, пойкилоцитозлар қайд этилди ва 43% қаламушларда ўлим ҳолати (7 тадан 3 та) қузатилди. «Фитоферон» дори воситаси 5 мг/кг дозада олган ҳайвонларнинг периферик қондаги гемоглобин миқдорини тажрибанинг 15-қунида 0,9 г % га, эритроцитлар сонини 0,3 млн. га, 10 мг/кг дозада эса мос равишда 1,3 г % ва 0,45 млн. га оширди. Даволашнинг 30-қунида гемоглобин миқдори 5 ва 10 мг/кг миқдорларда 1,6 г % ва 1,7 г % ҳамда эритроцитлар сони 0,55 млн ва 0,5 млн га ошди, эритроцитлар морфологияси тўлиқ тикланмади. Таққослаш учун олинган коамид дори воситаси таъсирида қондаги гемоглобин миқдори 3,5% га, эритроцитлар сони эса интакт натижаларга тенглашди (2-расм).

Олинган натижалар асосида ҳулоса қилиш мумкинки, «Фитоферон» ўрганилган миқдорларда анемиянинг гемолитик турида постгеморрагик ҳамда алиментар кечимларига нисбатан самарасизроқ таъсир кўрсатди, яъни қондаги эритроцитлар ва гемоглобин миқдори тажрибани 30-қунида ҳам интакт кўрсаткичларга тенглашмади.



а



б

2-расм. «Фитоферон» дори воситасининг гемолитик анемияда қондаги гемоглобин (а) ва эритроцитлар (б) миқдорига таъсири

Навбатдаги тажрибаларда «Фитоферон» дори воситасининг лаборатория қуёнларида постгеморрагик анемияда суяк кўмиги кўрсаткичларига таъсири ўрганилганда, эритробластлар ва пронормоцитлар назорат гуруҳига нисбатан 2,0 ва 1,5 мартага ошганлиги аниқланди (3-жадвал). Суяк кўмигининг оқ қон таначаларига, хусусан, лимфоцитлар, базофиллар, эозинофиллар, моноцитлар, нормобластлар ва бошқа кўрсаткичларига деярли таъсир этмади. Нормага ва назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқлар аниқланмади (3-жадвал).

Демак, «Фитоферон» дори воситаси 10 мг/кг миқдорда эритробластлар сонини ошириб, суяк кўмигидан қизил қон таначаларини ишлаб чиқарилишини кучайтиради, эритропоэз жараёнига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

3-жадвал

«Фитоферон» дори воситасининг экспериментал постгеморрагик анемияда суяк кўмиги элементларига таъсири (M±m; n=3)

Суяк кўмиги элементлари, % да	Норма	«Фитоферон» йиғмаси	Назорат
Миелобластлар	2,45±0,3	2,3±0,1	2,3±0,1
Нейтрофилли:			
- промиелоцитлар	4,5±0,4	4,3±0,8	4,7±0,7
- миелоцитлар	14,0±0,4	13,6±0,9^	13,0±0,2^
- метамиелоцитлар	15,0±0,5	16,0±0,6*	18,0±0,3^
- таёкчадроли	18,3±0,4	18,6±0,3*	17,7±0,4^
- сегментядроли	18,9±0,3	18,6±0,6*	17,0±1,0^
Эозинофиллар	0,2±0,01	0,2±0,02*	0
Базофиллар	0,1±0,03	0,2±0,02*	1,0±0,06^
Лимфоцитлар	4,64±0,4	4,4±0,2	5,0±0,9
Плазматик хужайралар	0	0	0
Моноцитлар	0,3±0,1	0	0
Ретикуляр хужайра	1,7±0,2	1,8±0,5*	2,0±0,4^
Эритробластлар	1,1±0,1	2,4±0,1*^	1,4±0,07
Пронормоцитлар	0,8±0,2	1,3±0,02*^	0,6±0,03^
Нормоцитлар:			
- базофилли	2,6±0,2	2,9±0,03*^	2,3±0,05
- полихроматофилли	11,4±0,4	12,0±1,2*^	11,6±0,7
- оксифилли	1,0±0,3	1,4±0,4*^	0,9±0,08^

Изоҳ: ^ нормага нисбатан ишончлилиқ даражаси ва фарқи P≤0,05

*- назоратга нисбатан ишончлилиқ даражаси ва фарқи P≤0,05

Маълумки, темир етишмовчилиги анемиясида қон зардобидаги эркин темир миқдори ва темирнинг ташилишини бошқарувчи трансферрин, ферритин оксилларининг миқдорлари муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун темир танқис анемиясининг диагностикаси ва дифференциялашувини тулиқ баҳолаш мақсадида навбатдаги тажрибаларда лаборатория қуёнларида «Фитоферон» дори воситасининг темир етишмовчилиги билан боғлиқ анемиянинг постгеморрагик турида қон зардобидаги эркин темир ҳамда ферритин миқдорларига таъсири аниқланди ва таҳлил қилинди.

Олинган натижалар 3- ва 4-расмларда келтирилган.

Постгеморрагик анемия чақирилганда лаборатория қуёнлари қон зардобида гемоглобин, эритроцитлар, тромбоцитлар, эритроцитдаги

гемоглобин миқдорлари ва гематокрит кўрсаткичларидан ташқари эркин темир ҳамда ферритин оксилнинг миқдорлари ҳам камайиб кетди (3,4-расм). «Фитоферон» дори воситаси билан 10 мг/кг миқдорда тажрибанинг 10- ва 20-кунига келиб уларнинг миқдорлари назоратга нисбатан $P < 0,01$ аниқлик даражасида ошганлиги, 30-кунда эса $P < 0,001$ ишончлилик даражасида ошиб нормага тенглашгани аниқланди. «Фитоферон» дори воситаси тажрибанинг 10-кунидан бошлаб қон зардобидаги эркин темир миқдорини анемияга ва назоратга нисбатан 9,43 ва 8,7 мкмоль/л га ($P < 0,05$) аниқлик даражасида оширди. Даволашнинг 20-кунда мос равишда 12,4 ва 10,5 мкмоль/л га ($P < 0,05$) ва 30-кунда препаратнинг самарадорлиги ($22,8 \pm 0,12$ мкмоль/л) интакт кўрсаткичларга ($22,87 \pm 0,17$ мкмоль/л) тенглашди.



3-расм. «Фитоферон» дори воситасининг постгеморрагик анемияда қон зардобидаги эркин темир миқдорига таъсири

Таққослаш учун олинган анемияга қарши фераск дори воситаси таъсирида қон зардобидаги эркин темир миқдори даволашнинг 10-, 20-кунларида анемияга ва назоратга нисбатан 9,5 ва 9,07 мкмоль/л га ($P < 0,05$) ҳамда 12,9 ва 11,3 мкмоль/л га ($P < 0,01$) ошганлиги, 30-кунда эса интакт кўрсаткичларга тенглашганлиги аниқланди. Назорат гуруҳида ($22,53 \pm 0,19$ мкмоль/л) қон зардобидаги эркин темир миқдори тажрибанинг 30-кунда ($14,67 \pm 0,15$ мкмоль/л) ҳам нормадан анча паст бўлганлиги қайд этилди (3-расм).



4-расм. «Фитоферон» дори воситасининг постгеморрагик анемияда қондаги ферритин миқдорига таъсири

«Фитоферон» дори воситаси 10 мг/кг миқдорда қон зардобидаги ферритин оксили миқдорига ҳам самарали таъсир этиб, даволашнинг 10-кунда анемия ва назорат кўрсаткичига нисбатан 1,5 ва 0,7 нг/мл. га ($P < 0,01$), 20-кунда 2,42 ва 0,98 нг/мл. ($P < 0,001$) га оширди. Даволашнинг 30-кунда эса интакт кўрсаткичларга тенглашди. Таққослаш учун олинган фераск дори воситаси қон зардобидаги ферритин миқдорига даволашнинг 10- ва 20-кунларида «Фитоферон»га нисбатан самаралироқ таъсир кўрсатиб анемияга нисбатан 1,56 ва 2,73 нг/мл га ($P < 0,001$) оширди. Даволашнинг 30-кунда эса «Фитоферон» дори воситаси билан бир хил таъсир кўрсатди.


Назорат гуруҳида даволашнинг 30-кунда ҳам қон зардобидаги ферритин миқдори интактга нисбатан ($8,4 \pm 0,51$ нг/мл) жуда пастлиги ($5,0 \pm 0,16$ нг/мл) аниқланди (4-расм).

Олинган натижалардан хулоса қилиш мумкинки, «Фитоферон» дори воситасининг антианемик таъсир механизмини суяк қўмигидан қазил қон таначаларининг ажралишини кучайтириши ва уларнинг периферик қондаги миқдорини ошириши, қон зардобидаги етишмаётган темир ва темирнинг ўзлаштирилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ферритин миқдорини ошириши билан изоҳлаш мумкин.


Маълумки, анемия касаллигини даволашда иммун тизимининг ҳолати муҳим аҳамиятга эга. «Фитоферон» 5 ва 10 мг/кг миқдорларда тажриба сичқонлари марказий тимусидаги тимоцитлар сонини $21,3 \pm 1,7 \times 10^6$ дан $30,8 \pm 2,4 \times 10^6$ ва $31,9 \pm 2,5 \times 10^6$ ва (1,45 ва 1,50 марта) га оширди. Суяк қўмидаги ҳужайраларнинг пролиферациясини кучайтириб, суяк қўмиги ҳужайраларининг миқдорини назорат гуруҳидагига нисбатан 1,60 ва 1,53

мартага кўпайтирди. Шунингдек, периферик орган лимфа безларининг хужайралар сонини назоратга қараганда ўрганилган миқдорларда 1,70 ва 1,64 мартага ($10,9 \pm 0,6 \times 10^6$ дан $18,5 \pm 1,1 \times 10^6$ ва $17,9 \pm 1,0 \times 10^6$) гача оширди. Демак, «Фитоферон» дори воситаси кўй эритроцитларига нисбатан бирламчи иммунологик жавоб реакциясини ҳамда периферик қонда эритроцитларга нисбатан антизиддитаначалар ҳосил бўлишини кучайтиради.

Навбатдаги тажрибаларда «Фитоферон» дори воситасининг жигарнинг биосинтетик фаоллигига таъсири ўрганилди (5-расм).



5-расм. «Фитоферон» дори воситасининг ўткир токсик гепатитда уйку давомийлигига таъсири



6-расм. «Фитоферон» дори воситасининг ўткир токсик гепатитда биокимёвий кўрсаткичларга таъсири

Фитопрепарат таъсирида каламушларда жигарнинг гепатоцит хужайраларидаги сусайган монооксигеназа ферментлар фаоллиги (ўткир гепатит кечимида) ошганлиги аниқланди. Олинган натижаларга кўра, «Фитоферон» таъсирида 3 кун давомида «Тексенал билан юзага чиқарилган уйку» вақтини назорат гуруҳига нисбатан 5 мг/кг миқдорда 52,5 % гача, 10 мг/кг да эса 53,3 % га қисқартирилганлиги (5-расм), нормага нисбатан ошган АлТ, АсТ ва билирубин миқдорини ($40,7 \pm 4,2$ дан $76,5 \pm 3,45$ гача ва $30,1 \pm 3,21$ дан $37,2 \pm 8,3$ гача) 10 мг/кг миқдорда назорат гуруҳига нисбатан 24%, 20,4 % ва 16,4% га камайтирилганлиги аниқланди.

Олинган натижалар 6-расмда келтирилган.

Демак, «Фитоферон» жигарнинг биосинтетик фаоллигини кучайтириб оксиллар синтезини оширади ва организмдаги темир алмашинуви жараёнларини кучайтиради.

Кейинги тажрибаларда «Фитоферон» дори воситасининг кливик олди текширувлари ўтказилди. «Фитоферон» 5-10 мг/кг миқдорларда адреналин таъсирида кўтарилган лаборатория ҳайвонларининг қон босимига деярлик таъсир кўрсатмади. 25-50 мг/кг миқдорларда қон босимини 25-40 мл рт.ст.гача 40-60 дақиқа давомида туширди. 5-15 мг/кг миқдорда қисқа муддатга тажрибадаги ҳайвонларнинг юрак уришини сезиларли даражада (8-14%) камайтирди. Ушбу миқдорларда фитопрепарат нафас олиш частотасига таъсир қилмади.

Фитопрепаратнинг ўткир заҳарлилиги лаборатория сичқонларида 6,2 мг/кг - 52,4 мг/кг миқдорларда ўрганилганда, кичик миқдорларда ҳайвонларнинг ҳолатига салбий таъсир этмаганлиги, нисбатан катта дозаларда (50 мг/кг - 80 мг/кг) уларнинг нафас олиш частотасини оширилганлиги ва безовталаниш қақирганлиги кузатилди, лекин ўлим ҳолати қайд этилмади.

Демак, «Фитоферон» кам заҳарли дори воситалари (IV-синф) қаторига киради. Унинг сурункали заҳарлилиги ўрганилганда, қон шаклли элементлари, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари ҳамда каламуш органларининг гистоморфологик тузилишига салбий таъсир этмаслиги аниқланди.

«Фитоферон» дори воситаси маҳаллий, аллергия таъсирлардан ҳоли бўлиб, унинг миқдори оширилганда ҳам орган ва тўқималарда тўпланмаслиги, шунингдек каламушлар ҳомиласига ва унинг ривожланишига салбий таъсир этмаслиги тажрибалар асосида исботланди.

ХУЛОСАЛАР

1. «Фитоферон» дори воситаси темир танқислиги анемиясининг постгеморрагик ва алиментар турларида анемияга қарши самарадор ва бу таъсири бўйича «Фераск» дори воситасидан қолишмаслиги намоён бўлди.
2. «Фитоферон» дори воситасининг анемияга қарши таъсир механизми организмнинг қон ҳосил бўлиш жараёнини рағбатлантириши, қон зардобидидаги эркин темир, ферритин миқдорларини ошириши билан боғлиқлиги белгиланди.

3. «Фитоферон» гемолитик анемия кечимида антианемик самарадорлиги буйича коамид препаратидан қолишмаслиги аниқланди.
4. «Фитоферон» гепатотроп таъсир кўрсатиб, оқсиллар синтезини ошириши, жигарни биосинтетик жараёнини фаоллаштириши ва иммун тизимни кучайтириб темир танқис анемиясини патогенетик даволашга асос солиши белгиланди.
5. «Фитоферон» дори воситасининг кам захарлилиги, маҳаллий қитиқлаш, кумулятив, аллергик, эмбриотоксик ва тератоген таъсирларни келтириб чиқармаслиги, юрак қон-томир, нафас, марказий ва периферик нерв тизими фаолиятига салбий таъсир этмаслиги намоён бўлди.

**ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ
РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ
НА БАЗЕ УЧЕНОГО СОВЕТА № DSc.04/30.12.2019.Far.32.01
ПО ПРИСВОЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

РАЖАПОВ АЛИШЕР ЖУМАБАЕВИЧ

**ФАРМАКО-ТОКСИКОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА
ЛЕКАРСТВЕННОГО СБОРА «ФИТОФЕРОН»**

14.00.17-Фармакология и клиническая фармакология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
БИОЛОГИЧЕСКИХ НАУК**



Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В 2019.4.PhD/B 159.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (по адресу www.zivonet.uz)

Научный руководитель: Аллаева Мунира Журакуловна
Доктор биологических наук, доцент

Официальные оппоненты: Эргашева Мукаррам Журабаевна
Доктор биологических наук

Турсунходжаева Феруза Муратовна
Доктор биологических наук

Ведущая организация: Ташкентский педиатрический медицинский институт

Защита диссертации состоится на «14» 07 2021 года в 12.00 часов на заседании Разового Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском Фармацевтическом институте (Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38 факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 8А. Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «28» 06 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 21 от «28.06» 2021 года).



К.С.Ризаев

Президент Разового научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н.

Ё.С.Кариева

Член секретарь Разового научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.н., профессор

Б.Ш.Шоисломов

Председатель научного семинара Разового Научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения, количество больных железодефицитной анемией (ЖДА) увеличивается из года в год. ЖДА особенно распространена среди детей младшего возраста и беременных женщин, и оказывает негативное медико-социальное значение на здоровье будущего поколения и социально-экономического развития Республики. Поэтому разработка антианемических препаратов, полученных на основе местного растительного сырья, является весьма актуальной.

В мире проводятся научные исследования по использованию лекарственных растений для лечения и профилактики железодефицитной анемии. В связи с этим особое внимание уделяется определению фармако-токсикологических свойств противоанемических препаратов на основе природного сырья, а также их гепатотропного действия и влияния на иммунную систему, установления механизма повышения содержания железа в крови и безвредности, расширения ассортимента лекарственных средств данной фармакотерапевтической группы.

В результате широкомасштабных мер, принимаемых сегодня в республике, достигаются определенные результаты в дальнейшем развитии обеспечения населения эффективными, безвредными лекарственными средствами. В четвертой главе Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям по дальнейшему развитию Республики Узбекистана 2017-2021 годы определены важные задачи дальнейшего развития «фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и лечебно-профилактических предприятий доступными, эффективными лекарственными средствами и медицинскими изделиями...»¹. В связи с этим важное научное имеет создание новых высокоэффективных, безопасных и недорогих лекарственных средств и биологически активных добавок из растительных сырья для лечения анемии.

В связи с этим, одной из актуальных научных и практических задач является поиск лекарственных средств с антианемическими свойствами особенно среди растительных источников, создание на их основе медицинских препаратов и биологически активных добавок.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-3489 от 23 января 2018 года «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», ПП-3532 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также Указом Президента Республики Узбекистан УП-5707 10 апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП – 4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

развитию фармацевтической отрасли республики в 2019-2021 годах», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В области изучения химического состава, стандартизации противоанемических лекарственных средств, созданных на основе местных растений, изучения их фармако-токсикологических характеристик, внедрение их в медицинскую практику, особое значение имеют научные исследования таких ведущих местных ученых, таких как: Х.У.Алиев, Х.М.Камилов, М.С. Бахрамов, Х.К.Фарманкулов, С.Н.Аминов, А.А.Бугланов, А.А.Абдусаматов, А.Х.Авазов, Ф.Ф.Урманова, М.Ж.Аллаева.

В мировой практике следующими учеными были проведены исследования с целью разработки технологии антианемических средств из растительного сырья, установления стандартов качества, изучения терапевтической активности и безвредности, определения механизма действия и разработка рекомендаций для применения в медицинской практике: Д.С.Круглов, К.Г.Гурсевич, Л.И.Дворецкий, П.А.Воробьев, R.O. Narasnga, P. S.Killi, S.F. Clark, H. Murekawa, P.W. Whiting, A.Clouston и др.

Настоящая диссертация является первым научным исследованием по определению безвредности для организма, сухих экстрактов и их сборов на основе местных лекарственных растений и оценке их фармакологических свойств, эффективности, рекомендации их использования в медицинской практике в качестве нового антианемического препарата.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского фармацевтического института «Изучение фармако-токсикологии физиологически активных веществ и биологически активных добавок».

Целью исследования является определение фармако-токсикологической характеристики «Фитоферон».

Задачи исследования:

определение антианемического действия препарата «Фитоферон» при различных экспериментальных железодефицитных анемиях;

оценка эффективности препарата «Фитоферон» при экспериментальной гемолитической анемии;

изучение механизма антианемического действия препарата «Фитоферон» при постгеморрагической анемии;

изучение гепатотропного действия «Фитоферон» и влияние на иммунную систему организма;

изучение безопасности препарата «Фитоферон».

Объект исследования. Объектом исследования явились тысячелистник

обыкновенный (*Achillea millefolium* L.), горец птичий (*Polygonum aviculare* L.), солодка голая (*Glycyrrhiza glabra* L.), горец перечный (*Polygonum hydropiper* L.), ромашка лекарственная (*Matricaria chamomilla* L.), БАД, полученные на их основе, а также сбор сухих экстрактов – препарат «Фитоферон», препарат фераск, лабораторные животные.

